

"САРИҚЎРҒОН" ГИДРОУЗЕЛИ ИНШООТЛАРИ ОСТИДАГИ ФИЛЬТРАЦИЯ ОҚИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Республикамызда 200 тага яқин гидротехник сув иншоотлари мавжуд. Уларнинг сув олиш қуввати 10 м³/с. дан 300 м³/с. гачани ташкил этиб, шулардан 118 таси муддатини ўтаб бўлган, гидромеханик ускуналарини модернизация қилиш ёки алмаштиришни талаб этади [1]. Иншоотларни ишчи ҳолатини тиклаш, реабилитацияси ҳамда эксплуатациясини яхшилаш, техник хизматларини таъминлаш учун мақсадли инвестицияларни амалга ошириш зарур. Мақсад Сўх дарёсида 1948 йилда ишга туширилган "Сариқўрғон" гидроузелининг техник ҳолатини баҳолаш, сув хўжалиги тизимини узлуксиз сув билан таъминлаш, кадастр маълумотлари бўйича "Сариқўрғон" ва "Қўқон" гидроузеллари ёрдамида 40 минг гектар суғориладиган ерлар сув билан таъминланади. Иншоотлар ва хўжаликлараро каналлар Сўх дарёсини тоғли ҳудудидан чиқиш воҳаси бўлган конус ёйилмасининг қутб қисмида жойлашган.

[Full text](#)